



---

## **Меҳнат жараёнида ишловчиларнинг алоҳида категорияларига (аёлларга) бериладиган енгилликлар**



## РЕЖА:


1. Аёлларни меҳнатини мухофаза  
қилишнинг умумий масалалари.
2. Аёллар меҳнатида қўлланилиши  
таъкиқланган ишлар.
3. Аёллар меҳнатини рағбатлантириш  
масалалари.



Ўзбекистон  
Республикаси  
**Конституциясининг 46-моддасида**  
аёллар ва эркакларни  
тeng хуқуқлиги тўғрисида  
гапирилади. Уларга таълим  
олишда, касбий тайёрланишда,  
ишда, меҳнат учун  
рағбатланишда ва хизмат  
юзасидан кўтарилишда  
тенг хуқуқий  
имкониятлар яратилади.


- Шундай бўлса ҳам, аёллар айрим ҳолларда маълум шароитларда соғлиққа зиёнсиз бўлган, эркак билан бир хил ишни бажара олмайди. Аёл организми ўзига хос физиологик хусусиятига эга бўлганлиги сабабли оғир жисмоний меҳнатга, айрим заарли омилларнинг таъсирига таъсиридан ҳисобланади. Бу заарли омиллар таъсири улар организмининг ҳомиладор пайтида жуда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.






Аёллар меҳнатини муҳофаза қилишда жуда кўп муаммолар бўлиб, унинг биологик ва социал аҳамияти муҳимдир. Шунинг учун аёллар меҳнати “Меҳнат кодекси”нинг **224-238-** моддаларида ҳимояланади.






- **228-модда.** Тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатини қўлланишни ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш
- **228-1-модда.** Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёлларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқи
- **229-модда.** Аёлларга ва оиласвий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш
- **230-модда.** Кўшимча дам олиш куни
- **231-модда.** Аёлларга йиллик таътилларни бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар
- **232-модда.** Ўн икки ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун кўшимча таътиллар
- **233-модда.** Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари
- **234-модда.** Бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришилаш учун бериладиган таътиллар




- **225-модда. Аёллар меҳнатинида қўлланиш тақиқланадиган ишлар**

Меҳнат шароити нокулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва майший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади. Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити нокулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.



- **226-модда. Ҳомиладор аёлларни енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш**
- Тиббий хуносага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.  
Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.
- **227-модда. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш**
- Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.



## Фойдаланган адабиётлар:

- “google.uz” сайти
- “lex.uz” сайти
- Ҳ.Э.Ғойипов “Меҳнат мухофазаси” Тошкент 2000 й.
- А.Қудратов, Т.Ғаниев, Ў.Ёрматов ва ҳ.к “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” Тошкент 2005 й.